

БОЛАНГ ЎЗИНГДАН ЯХШИ БЎЛСИН!

Бир киши бир донодан насиҳат қилишни сўради. Доно унга: "Ҳовли жойинг, одобу илминг кимдан қолган?", - деди. У киши "Отамдан!", - деб жавоб берди. Доно унга: "Шунинг ўзи насиҳатдир. Агар сен яхшилик қилсанг, яхшилик қолади, ёмонлик қилсанг, ёмонлик қолади", - деди.

Ўзбек халқида тарбиянинг инсон ҳаётидаги ўрнини улуғлайдиган бундай пурмаъно ҳикоятлар, ҳикматли панд-насиҳатлар сон-саноксиз. Бунинг сабаби маълум: халқимиз ўз ўғил-қизларини барча ҳавас қиладиган – ўз кадрини биладиган, очик кўнгил, мард, адолатли, виждонли, бир сўз билан айтганда, комил инсон бўлиб етишишлари учун ҳамиша ғамхўрлик қилган, қайғуриб келган. Демакки, тарбияли инсон бўлишга интилиш бизнинг генларимизда - қонимизда бор.

Лекин кейинги пайтларда бир ҳолатни кузатамиз: таълим-тарбия ҳақида фикр юритганда асосий эътиборни таълим масаласига қаратамиз, тарбия аҳамиятини эса етарли даражада кўзга илмаймиз. Аслида бунинг акси бўлиши - тарбия муаммоси биринчи ўринда туриши шарт. Чунки жуда кўп нарсани билган, дунёнинг паст-баландини чуқур тушунган, аммо фақат ўзини ўйлайдиган манфаатпараст, виждонсиз кимсалар ҳаётда ҳар қадамда учрайди. Шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари айни ҳақиқатдир: "Мен Абдулла Авлониининг "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир" деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир".

"Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигида парвариш қил" - дейди халқимиз.

Донишманд ота-боболаримиз тарбияни бола туғилмасидан аввал, ҳатто келин-куёв танлашдан бошла, яъни оилада соғлом, покиза, меҳр-мурувват руҳи ҳукмрон инсоний муҳит ярат, деб уқтирганлар ва ўзлари шунга амал

қилганлар. Қадимий китоб "Авесто"дан бошлаб ҳалқимизнинг эзгу одатлари ёзма манбаларга муҳрлаб қолдирилган. Масалан: "Авесто"да болаларни покиза ахлоқли, эзгу фикрли, замонасининг барча ҳунарларини биладиган, эътиқоди мустаҳкам, ҳам ахлоқан, ҳам жисмонан баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътибор берилган. Зардушт фарзандларига "Ҳалоллик билан кун кечириш йўлида ғайратли ва шижоатли бўлинг", деб мурожаат қилади. Бу ҳеч эскирмайдиган сабоқдир!

Тарбия – кенг қамровли, теран мазмунли тушунча. Тарбия деганда болани боқиб, катта қилиш ва одоб-ахлоқ, иш-ҳунар ўргатишни ҳам, турли соҳалардан билим бериш ва тарбияланувчига бирор одат, тартиб, ҳислат сингдиришни ҳам, бадан тарбияси, кўчатлар ва экин-тикинларни парвариш қилишни ҳам тушунамиз. Таълим эса ана шу тарбиянинг узвий қисми, тарбия бамисоли бир дарахт бўлса, таълим унинг меваси - самарасидир.

Тирик жон борки, нафси бор. Агар нафсни ўз ихтиёрига қўйиб берсангиз, у нималар қилмайди, дейсиз. Нафс балоси бутун дунёни ямлаб, ютиб юбориши мумкин. Бироқ ана шу нафсни жиловлайдиган қудратли восита бор. Бу – тўғри тарбия! Инсон адолат, ҳаё-андиша, ор-номус тарбияси, ҳалқ ва ватан шаънини асраб, улуғлайдиган виждон - масъулият тарбияси! Ўзимизни, фарзандларимизни ана шу соғлом руҳда – ўзимизга раво кўрмаганни бошқага ҳам раво кўрмай, сўзимиз билан ишимиз бир бўлиб тарбияласак, боламиз ўзимиздан яхши бўлиши мумкин, шундагина бу ёруғ оламда ўз вазиғамиз ва бурчимизни бажарган бўламиз.

Соғлом, насли тоза, покиза оила муҳитининг тарбияда ўрни беқиёсдир. улуғ бобомиз Алишер Навоий хонадонида ана шундай гўзал оилавий муҳит ҳукмрон эди. Алишернинг 3 ёшидаёқ Амир Қосим Анвордек улуғ сўфий шоир шеърини, 4-5 ёшида эса Фаридидин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"дек мураккаб фалсафий достонини ёддан билиши ана шу интеллектуал оилавий муҳит самарасидир.

Шундай умрлар бўладик, бундай сиймоларнинг ҳаёти фақат ибрат эмас,(аблаҳ кимсанинг қилмишлари ҳам ибрат бўлиши мумкин: у қилган

ишнинг тескарисини қиласиз), балки буюк намуна ҳам бўла олади. Жавохирлаъл Неру билан Мунаввар Қори Абдурашидхонов шундай қаҳрамон инсонлардир. Уларни Ватан ва халққа чексиз муҳаббат, олий эътиқод бирлаштириб туради. Ҳар иккаласининг умрлари охирида қилган ишлари ҳам моҳиятан яқин. Ҳар иккала донишманд ҳам охириги дақиқаларигача ўз эътиқодларида содиқ қолдилар, қалблари - виждонлари буюрганини қилдилар.

Тарбия ишида бадиий адабиётнинг ўрни қандайлиги ҳар бир кишига маълум. Одам кичиклигидан китобхон оилада ўсса, келажакда ундан номусли, қалби меҳр-шафқатга ошно инсон етишиб чиқиши мумкин. Болаларга ота-она бадиий етук, мазмунан теран ҳикоялар, эртаклар, ривоятлар, кичик-кичик шеърларни ифодали ўқиб беришлари, шеърларни ёдлаб, айтиб юришга рағбатлантиришлари керак. Болаликда қулоққа сингган доно, сеҳрли сўз инсонга умр бўйи йўлдош бўлиб қолиши мумкин.

Китоб мутолааси ҳар бир фикрловчи одамнинг доимий машғулоти бўлиши лозим. Мутолаа ҳаётда одамга энг камида икки жиҳатдан катта фойда беради. Биринчидан, билимини оширади; иккинчидан, одамнинг ўзлигини англашида, шахс сифатида ўзини шакллантиришида қудратли восита бўлади (чунки ҳар бир онгли одам умр бўйи ўзини шахс сифатида камол топтириб боради. Тарбия - бир умрлик юмушдир). Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, китоб мутолааси тарбия билан таълимнинг чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Ўқувчи ҳаётда муносиб яшашга ёрдам берадиган етук китобларни: улар бадиий бўладими, мемуар ёки илмий бўладими - умри бўйи мутассил ўқиши керак. Масалан, "Алпомиш", "Кунтуғмиш" дostonларини, Навоий, Бобур асарларини, Ғаззолий, Саройи, Кошифий, Али Сафий панд номаларини, Неру, Махатма Ганди, Гёте каби улуғ инсонларнинг таржимаи ҳолларини ўқиш мумкин. Бундай китоблар одамнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишига кўмаклашади. Ҳар бир одам, у қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, дунё бадиий тафаккурининг энг

камида 100 мумтоз намунасини мутолаа қилиши шарт. Бу ишнинг бошида албатта, оилада асосий тарбиячи ота турмоғи шарт.

Бола тарбияси ҳақида фикр юритганда, ўз вақтида танланган устоз-мураббийнинг мавқеи нақадар катта эканлигини яна бир бор таъкидлаш лозим. Чунки устоз баъзан инсон ҳаётида ҳатто отадан ҳам зиёдрок ўрин эгаллаши мумкин. Бунга буюк саркарда Македониялик Александр ҳаётини мисол қилиб келтирса бўлади. Искандар "Яшаётганим учун отам олдида, муносиб яшаётганим учун Аристотель олдида бурчлиман" - деган эди...